

NAZORAT-AUDIT

AUDITING COMPANY

Address: 11/2, Gospital Area, Mirabad district, Tashkent city, STIR 202884570
tel: +998 98 366 23 01, fax: +998 78 150 23 01, email: info@nazorat.uz, web: www.nazorat.uz

№ 01/29-19
«15» март 2019 й.

«Eski-juva dehkoni bozori» АЖ
таъсисчилари ва раҳбариятига

**«ESKI-JUVA DEHKON BOZORI» Акциядорлик жамиятининг
2018 йил якуни бўйича тузилган молиявий ҳисоботиغا
Ижобий фикр билдирилган**

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Аудиторлик ташкилоти тўғрисида маълумот:

Маъсулияти чекланган жамият шаклидаги «NAZORAT-AUDIT» аудиторлик ташкилоти.

Ўзбекистон Республикаси. 100015. Ташкент шаҳри, Миробот туман, Госпиталь даҳаси
11/2. телефон: +998 95 144 74 55 Факс: +998 71 150 23 01.

email: itd_nazorat-audit@mail.ru. web: www.nazorat.uz

Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома - № 545. 11.12.2007
йилда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан берилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан «Барча ҳўжалик юритувчи
субъектларда аудиторлик текшируви»ни ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини
амалган оширишга рухсат берувчи Лицензия - Серия АФ № 00067 28.07. 2008 йилда
берилган.

Ҳисоб рақами: 20208000604007713001 в «DAVR-BANK» ХАТБ Чилонзор филиали,
МФО-01046, СТИР: 202884570, ИФУТ(ОКЭД) 69202.

Аудиторлик ташкилоти директори: Назаров Баходир Нematович САР, «Аудитор малака
сертификати» - № 05207 от 26.04.2014 йилда Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги
томонидан берилган.

Аудиторлик ташкилоти аудитори: Обидов Хокимхон Бузурукович САР, «Аудитор малака
сертификати» - № 03859 от 16.06.2014 йилда Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги
томонидан берилган.

Аудиторлик текшируви ўтказилаётган корхона тўғрисида маълумот:

«ESKI-JUVA DEHKON BOZORI» Акциядорлик жамияти

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Бозор майдони (Эски
жува) 28 уй.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2014 йил 8 августда реестрдаги
тартиб рақами № 5 (№795) билан давлат рўйхатидан ўтказилган. Жамиятга «Юридик
шахсни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида» гувоҳнома берилган.

Ҳисоб рақами: 20208000600109589001 «УзСҚБ» Нодирабегим филиали
МФО: 00402

ИНН: 201837960 ИФУТ: 68201.

Жамият раҳбари: Рискеев Акмал Ўрмонович.

Бош ҳисобчи: Файзуллаева Бахтили Кийикбаевна.

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги "NAZORAT-AUDIT" аудиторлик ташкилотининг аудитори Обидов Хокимхон Бузурукович, Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги томонидан 2014 йил 16 июнда берилган №03859 сонли «Аудитор малака сертификати»га асосан, аудиторлик ташкилоти билан «ESKI-JUVA DENKON BOZORI» Акциядорлик жамияти ўртасида 5.03.2019 йилда тузилган 01/29-19-сонли шартномага асосан «ESKI-JUVA DENKON BOZORI» АЖнинг 01.01.2018 йилдан 31.12.2018 йилгача бўлган даври учун тузилган "Бухгалтерия баланси" – форма № 1, "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот" – форма № 2, "Пул оқимлари тўғрисидаги Ҳисобот" - форма №4, "Ўз сармояси тўғрисидаги Ҳисобот" - форма №5, шаклларида иборат молиявий ҳисоботларининг ишончлилигини аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «ESKI-JUVA DENKON BOZORI» АЖнинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «ESKI-JUVA DENKON BOZORI» АЖнинг 2018 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Аудиторлик ташкилоти раҳбари



[Signature]

Б.Н.Назаров.

Аудитор

[Signature]

Х.Б.Обидов